

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

HAQIQATI

2025-yil 5-iyul / SHANBA / № 49 (13810)

▼ Munosabat

Ishonch – ENG KATTA KUCH

Joriy yilning 30-iyun kuni davlatimiz rahbarining yoshlar bilan uchrashuvini katta hayajon bilan kuzatdik. Bu tadbir mamlakatimizda yoshlar masalasiga berilayotgan alohida e'tibor va g'amxo'rlikning yana bir yorqin ifodasi bo'ldi.

Tadbir davomida davlatimiz rahbari yoshlar bilan samimiy muvoqotda bo'lib, quyidagi so'zlarni ta'kidladi: "Sizlar – Yangi O'zbekiston bunyodkori sifatida yangi tarix yaratadigan oltin avlodsiz!" Bu so'zlar yoshlarimizga bo'lgan yuksak ishonchni ifodalaydi. Uchrashuv davomida yoshlarga oid 20 dan ortiq yangi imkoniyat va tashabbuslar ilgari surildi. E'tiborlisi, joriy yil 14 fevralda bo'lib o'tgan uchrashuvda ham yoshlarga ko'plab yangi imkoniyat eshiklari ochib berilgan edi. Misol tariqasida Aloqa bank yoshlar banki deb e'lon qilindi. Bir necha milliardlab pullar yoshlarning loyiha, tashabbus va g'oyalari ajratilgan edi.

Kechagi nutq ham yangiliklarga boy bo'ldi, desak yangilishmagan bo'lamiz. Unda, yoshlarni kasbga yo'naltirish, tadbirkorlikka rag'batlantirish bo'yicha muhim tashabbuslarni

yo'nalishlarga alohida e'tibor qaratilmoqda. "AI Study" platformasi orqali 100 mingga yaqin yosh sun'iy intellekt sohasini chuqur o'rganishga kirishadi. Kelgusida barcha o'quvchilar ayni sohada yetarli bilimga ega bo'lishi rejalashtirilgan.

Shuningdek, innovatsiya va startaplarni qo'llab-quvvatlash maqsadida 145 million dollar venchur sarmoya ajratilgan bo'lib, bu ko'rsatkich qisqa fursatda 1 milliard dollarga yetkazilishi kutilyapti. Shuningdek, maktab va oliygohlarda "biznes va mohirlik soati" joriy qilinib, yoshlar o'z g'oyalarni real startaplarga aylantirish imkoniga ega. Bu tashabbuslar yoshlar uchun nafaqat yangi imkoniyatlar eshigini ochadi, balki ularning bilimni, fidokor va vatanparvar bo'lib voyaga yetishlariga xizmat qiladi.

Bugungi yoshlar – ertangi kuchli va taraqqiy topgan, dunyo miqyosida raqobatbardosh Yangi O'zbekis-



to'rishimiz mumkin. Xususan, Massachusetts texnologiya instituti tajribasi asosida viloyatlardan 100 nafar informatika o'qituvchisi tayyorlanishi, 50 ming nafar qizlar "Raqamli avlod qizlari" loyihasiga jalb qilinishi, oliy ta'lim muassasalarida "Eng yaxshi kreativ g'oya" tanlovi o'tkazilib, g'oliblarga 300 mlrd. so'ngacha grant berilishi, har yili 100 nafar yosh xorijiy stajirovkalarga yuborilishi, buning uchun har bir tarmoqda 10 mlrd. so'm ajratilishi, Oliy ta'lim, texnikum va kasb-hunar bitiruvchilarini ish beruvchilar bilan bog'laydigan platforma yaratilishi va har yili "Mening kasbim" tanlovi o'tkazilib, g'oliblar rivojlangan davlatlarga yuborilishi kabi qator takliflar yoshlarni yanada harakatga chorlashi shubhasiz.

Yana bir diqqatga sazovor jihat – "Yashil iqtisodiyot", sun'iy intellekt, bioinjiniro, raqamli geologiya, texnologik mineralar kabi istiqbolli

tonning asosiy tayanchidir. Yoshlar kunida o'tkazilgan bu uchrashuv oddiy yig'ilish emas, balki yoshlarga bo'lgan yuksak ishonchning namunasidir. Agar belgilangan vazifalar hayotga ichkilatib qilsa, O'zbekiston yoshlarini nafaqat bugun, balki ertaga ham porloq kelajak kutmoqda.


Nutqdagi quyidagi fikrlar esa uchrashuvning tub mohiyatini aniq ifodalaydi: "Yoshlarimiz hayotda o'z o'rnini topsin, o'zini anglasin, jamiyatda munosib o'rin egallasin – biz uchun eng ulug' g'alaba mana shudir!"

Endi bu buyuk maqsad sari yo'l ochildi. Endigi vazifa esa hammamizning – yoshlar, ularning ota-onalari, ustozlar, murabbiylar, rahbarlar va butun jamiyat zimmasidadir. Chunki yoshlarning yetuk bo'lishi – bu butun xalqning ravnaqidir!

S. MUHAMMADAMINOV, Toshkent davlat agrar universiteti yoshlar yetakchisi

ЖАЗИРАМА ЁЗНИНГ ЗИЛОЛ ТУХФАСИ

Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг май ойида вилоят ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигидаги фаоллар вилоят "Сув таъминоти" АЖ масъуллари ҳамроҳлигида Қибрай ҳамда Тошкент туманларида бўлиб, "Осиё тарққийт банки" маблағлари ҳисобидан қурилган сув кўтариш иншоотларини кўздан кечиришган эди. Қибрай туманида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, худуд аҳолиси, депутатлар билан учрашиб, режадан кечикаётган ишлар учун жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича фикр ва таклифлар ўртага ташланганди.



Куни кеча тўлиқ реконструкция қилинган "ЎзНИИЖ" сув тақсимлаш иншооти ишга туширилди.

Очилиш маросимида "Тошкент вилояти сув таъминоти" АЖ директори ўринбосари, туман ҳоқимлиги мутасаддилари, вилоят прокуратураси масъуллари, нуронийлар, туман фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Эътиборлиси, иншоотнинг ишга тушиши натижасида туманнинг "Шалола" ва "Май" маҳаллаларининг беш мингга яқин аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Энди

фуқаролар аввалгидек кунига 2 соатгина эмас, балки узлуксиз, яъни 24 соат давомида доимий ичимлик сувидан баҳраманд бўлишади.

– Сув иншоотида маълум сабабларга кўра иш тўхтаб қолган эди, – дейди "Тошкент вилояти сув таъминоти" АЖ директори ўринбосари Аҳмад Эшпўлатов. – Вилоят ҳоқимининг тегишли топшириғига кўра, чала қолган ишлар якунига етказилди. Объектнинг умумий қиймати 12 миллион доллар деб белгиланган. Қибрай туманида 4 та сув иншооти қуриш, қарийб 100 км.дан ортиқ сув тармоқларини

тортиш режалаштирилган. Шу тўртта объектдан биттаси тўлиқ ишга туширилди. Энди бу сув иншоотидан 1 минг 300 та хонадон аҳли тоза сув ичади.

– "Май" маҳалласида яшайман, – дейди Абдуқолиқ ота Жонтоев. – Аҳмад Яссавий ва Аноров номли кўчаларнинг охирига сув бормас эди. Сувни ташиб ичардик. Бугун маҳалла-ла-мизда байрам. Албатта, биз нуронийлар сувни бефойда сарфлашига йўл қўймай, жамоатчилик назоратини кучайтира-миз.

Нигора ЎРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

TOSHKENT viloyati shahar va tumanlari hududida 45 ta yangi mikro gidroelektr stansiya qurish uchun 3,23 gektar yer maydoni ajratildi. Bu haqda viloyat hokimining tegishli qarori qabul qilindi. Mazkur mikro GESlar qurilishi uchun belgilangan joylar asosan tabiiy suv oqimlari, kanallar va irrigatsiya tizimlari bo'ylab joylashgan. Bu esa katta mablag'larsiz ham energiya ishlab chiqarish imkoniyatini yaratadi.

Janubiy Koreya davlatidan bir guruh tibbiyot xodimlari ikki mamlakat o'rtasidagi sog'liqni saqlash sohasidagi hamkorlikni mustahkamlash maqsadida TOSHKENT viloyatiga amaliy tashrif bilan kelishdi. Delegatsiya a'zolari uch guruhga bo'linib, joylardagi tibbiyot muassasalarida mahorat darslari o'tishmoqda. Shuningdek, ular Toshkent tumanidagi perinatal markaz faoliyati bilan ham tanishishdi.

YANGIYO'L shahrida notinch oilalarni mustahkamlash va farzand tarbiyasiga bag'ishlangan amaliy seminar o'tkazildi. Toshkent viloyati sudi tomonidan tashkil etilgan tadbirda ajralish yoqasida turgan oilalar bilan suhbatlashib, kelishmovchiliklarga yechim izlandi. Ayrim notinch oilalar hudud mas'ullariga birlashtirilish, profilaktik ishlar olib borish yuklatildi. Yakunda ishtirokchilarga "Farzand omonat" nomli qisqa metrajli film namoyish etildi.

ZANGIOTA tumani Kambag'allikni qisqartirish va bandlikka ko'maklashish bo'limi tomonidan "Baliqchi" mahallasida navbatdagi mehnat yarmarkasi tashkil etildi. Unda 20 ta korxonaga va tashkilot 130 ga yaqin bo'sh ish o'rni bilan qatnashdi. Shu kuni 74 nafar fuqarodan 5 nafari doimiy ishga joylashtirildi, 1 nafari kasb-hunarga yo'naltirildi.

ANGREN shahrida ham "Ma'naviyat va saxovat karvoni" tadbiriga start berildi. Ishchi guruh a'zolari ehtiyojmand oilalar holidan xabar oldilar, aholi uchun tibbiy ko'rik o'tkazildi. Oilalarga dori-darmon, gigiyena vositalari, choyshab va sochiqlar, shuningdek, maktab bolalari uchun o'quv qurollari hamda kitoblar taqdim etildi.

Yakunlanayotgan xaf-ta urtasida Toshkent viloyati gallasaklari don korxonalariga 298,3 ming tonna (belgilangan rezhaga nisbatan 101,5 foiz) galla etkazib berдилар. Urim-iygim ishlarida 262 ta yuqori unumli galla urish kombaini va 1 ming 500 ta bosqqa turdagi transport vositalari qatnashdi.

ГАЛЛАКОРНИНГ ЮЗИ ЁРУФ БЎЛДИ

Вилоят бўйича 66 та фермер хўжалиги 100 центнердан юқори, 180 та фермер хўжалиги 90 центнердан 100 центнергача ҳосил олди. Бундан ташқари, бир қатор фидойи фермерлар томонидан шартнома режалари 2 баробар ортиғи билан бажарилиди. Ишни самарали ташкил этган Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Пискент тумани галлакорлари биринчилардан бўлиб, 16-17 кунда белгиланган шартномани уддалашди. Айниқса, дон етиштиришда катта тажрибага эга бўлган пискентлик деҳқонлар об-хавонинг иссиқ кунларига қарамай, бошоқли дондан юқори ҳосил олиш учун барча агротехник тadbirlarни ишга со-

лишди. Шунингдек, галла майдонларини турли касаллик ва зараркунданлардан ҳимоя қилиш учун зарур чоралар қурилди. Жорий йил Пискент туманида 150 нафардан зиёд фермер хўжаликлари томонидан 8 минг гектар майдонда сара бугдой ҳосили етиштирилди. Мавсум бошида айрим илғор фермерлар орасида бугдой ўрими икки иш куниде яқунлаганлари ҳам бўлди. Жумладан, Охунбобоев худудидан "Мухриддин бизнес", "Улуғбек Пискент агро", И.Ҳайдаров номли худуддан "Олтин қир неъматлари", "Мингбоши агро" фермер хўжаликлари ҳосилдорлиқни ортиғи билан бажаришди.

Сектор раҳбарлари, ИИБ ва ФББ ходимлари томонидан дон қабул қилиш шахобчасидаги шароитлар, ёнғин ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мунтазам назорат қилинди. Эндиликда галладан бўшаган майдонларга тақририй экинлар экиш жараёнлари бошлаб юборилган. Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманида галладан бўшаган 2 минг гектар ер майдони белгиланган тартибда 400 та оилага бўлиб берилди. Бунда минг гектар ер майдони ижтимоий реестрда турувчи оилаларга, минг гектар ер майдони эса ишсиз ёшларга ажратилди.



▼ Яхши хабар

Абдулазиз МУСАЕВ

Сўнгги икки йилда қишлоқ хўжалиги экинларини сўғоришда тежамкор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, сув ресурсларига бўлган эҳтиёж тобора кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишни талаб этмоқда.

ТОМЧИЛАРДАН ТОННАЛАР ЯРАЛАДИ

Хусусан, Бўка туманидаги "Шаҳзод Абдусодиқович" фермер хўжалигида Сув хўжалиги вазири, Чирчиқ-Охангарон

йилда 40 гектар майдонга Хитойдан келтирилган пахта навини экканмиз. Ер майдонимиз қиравирликлардан иборат бўлгани

Президентимиз томонидан 2024 йил 5 январда қабул қилинган "Қуйи бўғинда сув



ИТХБ мутахассислари, Бўка тумани "Сув етказиб бериш хизмати" давлат муассасаси ходимлари ҳамда ҳудуд фермерлари иштирокида кургизма семинар ташкил этилди.

– Хўжалигимиз мустақиллик билан тенгдош, – дейди фермер Абдусодиқ Абдураҳмонов. – Умумий ер майдонимиз 110 гектарни ташкил этади. Жорий

ушун сўғориш анча қийинчилик туғдирарди. Эндиликда 5 йилга имтиёзли кредит асосида томчилатиб сўғориш технологиясини ўрнатдик. Қулай томони – сув сарфи қисқариши билан бирга вақтимиз ҳам тежаланти. Авваллари ҳафталаб сўғориш лозим бўлган майдонларни 7-8 соатда сўғоришга улгуряпмиз.

– Семинарда иштирокчиларга

ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда кредитлашнинг янги онлайн "Suvkredit.uz" платформасининг ишлаш тартиби ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича талабдорларнинг

▼ Долзарб мавзу

ариза бериш тартиби тўғрисида тушунчалар берилди, – дейди Чирчиқ-Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассиси Жаҳонгир Фозилхонов. – Бугунги кунда виллоятимизда жами 35 минг гектарда сув тежовчи технологиялар жорий этилиши кўзда тутилган бўлиб, шу кунга қадар 23,6 минг гектар майдонга ўрнатилди. На-



тижада 153,7 млн.м³ сувни иқтисод қилишга эришилди. Йилнинг биринчи ярмида сувни иқтисод қилиш режаси 67 фоизга етказилди.

Нигора УРОЛОВА,
"Ташкент ҳақиқати"
мухбири
Муаллиф олаан суратлар

▼ Кун тартиби



Кўмак гуруҳлари иш бошлади

Ўза агротехникасида юзага келган фавқуллод ҳолатни инобатга олган ҳолда, жорий йил 5 июлдан 25 августгача виллоят миқёсида махсус "Долзарб 50 кунлик" тадбирлари эълон қилинди.

Ташкент виллоят ҳоқими Зойир Мирзаев раҳбарлигида ўтказилган навбатдаги ишчи йиғилишда мазкур тадбирларни самарали ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, ҳар бир туманда ўза парварлигидаги муаммоларни чуқур ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида виллоят кўмак гуруҳлари ташкил этилди.

Назорат гуруҳлари ҳар бир туманда камидан 3 кунлик комплекс ўрганишларни амалга оширади. Ушбу ўрганишлар натижалари асосида фермер хўжаликлари 4 та ҳудудга бўлинади ва энг оғир ҳолат

кузатиш дала майдонларида махсус йиғилишлар ўтказилади.

Ҳар бир туманда ташкил этилган кўмак гуруҳлари фаолияти 7 та асосий йўналиш бўйича ишлайди. 50 кунлик тадбирлар давомида барча ишчи гуруҳ аъзолари туманларга тўлиқ сафарбар қилинади.

Шунингдек, ҳар бир фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги комплексининг раҳбар ва мутахассислари номна-ном бириктирилиши қатъий белгиланди.

Ташкент виллоят ҳоқимлиги
Ахборот хизмати

▼ Bizning suhbat

Har qanday jamiyatning taraqqiyoti uning ta'lim tizimi bilan bevosita bog'liq. Ta'lim – inson kapitalini shakllantirish, milliy taraqqiyotni ta'minlash va zamonaviy texnologiyalar davrida raqobatbardosh kadrlar yetishtirishda hal qiluvchi omildir. Shu bois, O'zbekistonda ham ta'lim sohasini isloh qilishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Sifatli ta'lim – avvalo, yuqori malakali o'qituvchi demakdir. Shuni anglagan holda o'qituvchilarning bilim, mahorati va yangi texnologiyalarni qo'llash qobiliyatini

ning: "O'zbekiston lider ayollar borasida ilgari ketgan", – degan so'zlari biz uchun yuqori baho bo'ldi. Treninglarda jamoamiz bilan faol qatnashib, bor bilim va salohi-

Finlyandiya ta'limi tajribalaridan samarali foydalanish" mavzusida o'tkazildi. Unda tumanimizdagi 9-, 14- va 17-sinli maktab direktorlari va yetakchi o'qituvchilar ishtirok etishdi. Seminarda yurtimizda fin tajribasini o'rganish, bu hamkorlikni aynan Toshkent tumanida davom ettirishni reja qildik.

Aytish joizki, mamlakatimizda yoshlarning bilim va saviyasini oshirish uchun, avvalo, ilm-ma'rif, ma'naviyatni kamol toptirish asosiy vazifa etib belgilangan. Bunda o'qituvchining mahorati, ilg'or tajribasi juda muhim. Sababi,

PISA xalqaro baholash dasturida muntazam eng yaxshi natijalarni ko'rsatishmoqda. Sababi, Finlyandiya o'qituvchilarning maqomi va mustaqilligi ta'minlangan, ta'lim siyosati maqsadli ravishda tenglikka yo'naltirilgan. Ular ma'lumoti va ixtisosligiga ko'ra maktabgacha ta'lim, hunarmandlik va texnologiya, musiqa o'qituvchisi kabi toifalarga bo'linadi va turli o'quv dasturlari asosida tayyorlanadi. Dasturlar "Barcha darajadagi o'qituvchilar nafaqat mustaqil mutaxassis, balki o'z yo'nalishida professional bo'lishi kerak", degan shiorga asoslanadi.

uchun, O'zbekistonda ham «Ta'lim to'g'risidagi qonunga muvofiq bir yillik majburiy maktabgacha tayyorlov ko'zda tutilgan.

Finlyandiya bolalar maktabiga 7 yoshdan qabul qilinadi. Boshlang'ich ta'lim olti yil davom etadi. 7-sinfdan bolalar o'rta ta'limning uch yil davom etadigan birinchi bosqichiga o'tadi. Boshlang'ich maktabda va o'rta ta'limning birinchi bosqichida barcha bir xil ta'lim olishi kerak. Bolalarni qobiliyati va qiziqishlariga qarab ajratish mumkin emas. Boshlang'ich maktabda bolalar bilan faqat bitta o'qituvchi

ni o'rganadi. Maktablarda tinch, xotirjam muhit hukmron, kiyim (forma) bo'yicha talab yo'q, darsliklar va tushlik bepul beriladi. Darslar orasidagi uzoq tanaffuslar bolalarga o'ynash va dam olish imkonini beradi.

– Ikki mamlakat ta'lim tizimini solishtirib, qanday xulosaga keldingiz?

– Finlyandiya maktabgacha ta'lim tashkilotlari (bog'chalar)da ishlash uchun bakalavr darajasi talab etiladi. Maktabda o'qituvchi bo'lib ishlash uchun pedagogika universitetining magistratura o'qituvchini tugatgan bo'lishi shart. OTMni tugatmagan talaba o'quv muassasalarida dars berish huquqiga ega emas.

Yurtimizdagi maktablarda o'qituvchilik qilayotgan kadrlarning aksariyati bakalavr darajasiga ega. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida esa o'rta maxsus ma'lumotga ega kadrlar ko'p. Shuningdek, OTMni bitirmaganlarning ham maktablarda dars berishiga ruxsat etilgan.

Finlyandiya ta'lim tizimi kuchli ishonch va ochiqlik asosiga qurilgan. O'qituvchilar ta'lim sifati va samaradorligiga mas'ul etib belgilanadi va ularga ishonch bildiriladi, faoliyati nazorat qilinmaydi. Pedagoglar doimiy ravishda o'z ustida mustaqil ishlaydi, ilmiy izlanishlar qiladi. So'nggi tadqiqotlarni o'rganib, amaliyotda qo'llaydi. Ta'lim jarayoni amaliyot bilan qattiq integratsiyalangan. Maktabgacha, maktab va oliy ta'limdagi islohotlar asoschisi o'qituvchilar hisoblanadi. Ular amaldagi Milliy dasturni boyitish, qo'shimchalar kiritish yoki tubdan o'zgartirish huquqiga ega. Xullas qiyoslab aytadigan bo'lsam, fin ta'lim tizimidagi ko'p jihatlarni yurtimizdagi o'quv muassasalarida qo'llash ijobiy samara berishiga ishonaman.

Xulosa o'rinda aytish joizki, mamlakatimiz ta'lim tizimidagi muammolarni bartaraf etish uchun ilg'or milliy va xorijiy tajribalar, xalqaro baholash reytinglari talablarini inobatga olgan holda o'quv dasturlari, o'qitish metodikasi va ta'lim sifatini baholash tizimini takomillashtirish, o'qituvchilarning mas'uliyatini oshirish juda muhim.

Suhbatni
"Toshkent haqiqati" muxbiri
Nozima RASULOVA
yozib oldi

BUGUNGI O'QITUVCHI QANDAY BO'LISHI KERAK?

rivojlantirish maqsadida qayta tayyorlash kurslari, xorijiy tajribalarni o'rganish va onlayn o'quv platformalari orqali ularning malakasi oshirilmoqda.

Joriy yilning may oyida bir guruh o'zbekistonlik maktab direktorlari Buyuk Britaniyada Cambridge University Press & Assessment o'quv markazi tomonidan tashkil etilgan "Maktab liderligini rivojlantirish" dasturi bo'yicha seminar-treningda qatnashishdi. Ular orasida Toshkent tumani maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmasi boshlig'i Nilufar Ubaydullayeva ham bor.

– Nilufar opa, suhbatimiz avvalida London safari taassurotlari bilan bo'lishsangiz.

– Hammasi ajoyib bo'ldi. Kembridj universitetida o'qidik, malaka oshirdik, muzeylarni tomosha qildik. Avvallari bunaqa imkoniyatlar haqida orzu ham qilmaganmiz. Bu mamlakatimiz rahbari tomonidan amalga oshirilayotgan islohotlar, ta'lim sohasiga qaratilayotgan e'tibor samarasidir. Safarimiz doirasida Kembridj universitetida davlat va xususiy ta'lim tashkilotlari o'rtasida tajriba almashildi. Jahon miqyosidagi professorlar tomonidan o'tkazilgan treninglarda bilim va ko'nikmalarimizni mustahkamladik. Ayniqsa, professor Raymond-

yatimizni namoyon etdik. Shu bilan birga hali ko'p o'qib, o'rganishimiz zarurligini angladik.

Treninglardan bo'sh vaqtlarimizda London muzeylariga sayohat qildik, observatoriya bor-dik. U yerda buyuk alloma Mirzo Ulug'bekni esladik. Observatoriya-dan tarix fanlariga mo'ljallangan kitobchalar – "Handbook"larni namuna sifatida olib keldik. Shunday kitobchalarni yurtimizda ham nashr ettirmoqchiman. Albatta, u yerda o'rganganlarim va xorij tajribasini kaskad usulida boshqa tuman va shaharlarga tarqatish niyatidaman.

– Safardaligingizda Prezidentimiz o'tkazgan videoselektor yig'ilishida masofaviy ishtirok etdingiz...

– Bu videoselektorni unutmasam kerak. Ayniqsa, davlatimiz rahbarining biz, safardagi o'qituvchilar haqida: "Shu borgan muallimlar Yangi O'zbekiston fidoyilari", degan so'zlari qalbimizni g'ururga to'ldirib, zimmamizdagi mas'uliyatni yanada oshirdi. Safarimiz yakunida vazirimiz kelib, sertifikatlarimizni topshirdilar.

– Yaqinda Finlyandiya Milliy agentligi mutaxassislari bilan o'tgan seminar-da ham qatnashdingiz.

– Ha. Seminar "Ta'limda liderlik qobiliyatini rivojlantirish va



aynan bilim yoshlarni tarbiyalash, ularni turli sohalariga yo'naltirish, uzluksiz ta'lim jarayonidagi islohotlarni ro'yobga chiqarish, malakali yangi avlod kadrlarini yetishtirish, xorijdagi ilg'or tajribalarni chuqur o'rganish, o'qitish metodikasi, shakl va uslublarini qo'llashga mas'ul shaxsdir. Bu borada Finlyandiya tajribasi ancha mukammal. Zero, o'n yildan ortiq vaqt davomida bu mamlakatimiz 15 yoshli o'quvchilari

– Keling, shu tajriba haqida batafsilroq gaplashsak. Uni bizning ta'lim tizimimizga o'xshash jihatlari bormi?

– Finlyandiya ta'lim tizimi bir necha bo'g'indan iborat. Maktabgacha ta'lim pullik va uning narxi oilaning moddiy holatiga qarab belgilanadi. Undan keyin bir yillik majburiy maktabgacha tayyorlov bosqichi bo'lib, u bepul. Taqqoslash

ishlasi, o'rta maktabda har bir fandan alohida o'qituvchi dars beradi.

O'quv yili 38 hafta, darslar 45 daqiqa davom etadi. Bolalar til (ona tili va adabiyot, ikkinchi davlat tili, xorijiy tillar), matematika, tabiiy fanlar, salomatlik haqidagi fan, din va etika, tarix va jamiyatshunoslik, san'at (musiqi, vizual san'atlar, qo'l hunari), ro'zg'orshunoslik va jismoniy tarbiya, shuningdek, o'z tanlovini bo'yicha boshqa fanlar-

▼ Эрта сўнган юлдузлар

**Тундек қаро этиб юрагимни ҳам,
Хабар этиб келди кечаси.
Менинг Жора исмли укам,
Тожихон аканинг кенжаси...**

**Қадам қўйган эдинг шахмат тожининг
Курашгоҳи остонасига.
Отанг манглайига сиғмадинг,
Сиғмадинг ўзбекнинг пешонасига.**

**Қайта туғиларми ўғлон сенингдек,
Қанча юксак эди тилагинг.
Юраги ёрилиб кетган лочиндек,
Баландликдан ногоҳ қуладинг.**

**Мухлис эдим, ҳар бир ғалабанг,
Менга эди мисоли тўйдек.
Сен музаффар кетдинг, биз эса,
Бизлар сени бой бериб қўйдик...**

Халқимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидовнинг шундай шеъри бор, ўқиганмисиз?



Пискентдан чиққан "шахмат журнали"



Англашиладики, шеър шахматчи хотирасига битилган. Ким эди у шахматчи? Сиз топишга ҳаракат қилиб туринг, биз мавзуга кейинроқ қайтамиз. Ҳозир шахмат тарихи ҳақида қисқача...

Манбаларда келтирилишича, шахмат Ҳиндистонда бир ярим минг йил аввал пайдо бўлган ва инсоният тамаддунининг ажралмас қисми сифатида дунё бўйлаб кенг тарқалган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, археолог Юрий Буряков 1990 йил Самарқанд яқинидаги шахарнинг қадимий қисми Афросиёбда олиб борилган қазима давомида фил суягидан ясалган 7 дона шахмат ҳайкалчаларини топган. Бу шу давргача дунё микёсида энг тўлиқ тўпламдаги топилма ҳисобланади.

1996 йилда японияни археологлар мамлакатимиз жанубидаги қадимий Далварзинтепа худудида Қушон империяси даврига оид иккита ноёб шахмат ҳайкалчасини топиб олишган. Бу милоддан аввалги II асрда қадимий Ўзбекистонда шахмат ўйини бўлганини англатади.

Ўзбекистон жанубидаги ушбу тарихий топилма шахмат ўйини тарихига бўлган қарашни ўзгартирди. Ўзбекистонда шахмат ҳайкалчалари ҳунармандлар яшаган уйлар, ҳаммомлар харобаларида олиб борилган қазималардан топилгани шахмат кенг аҳоли қатлами орасида ҳам машҳур бўлганини яққол тасдиқлайди.

"Шахматнинг Ўзбекистонда пайдо бўлганини исботловчи яна бир мисол унинг номланишидир, — деб ёзган эди Ўзбекистон шахмат федерацияси вице-президенти, иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Умурақов. —Тарихдан маълумки, Ҳиндистонда II асрдан XVI асргача шох ва подшоҳлар бўлмаган. Буюк Бобурийлар сулоласига қадар Ҳиндистонда рожалар ҳукмдор саналган. Шу боис, шахмат номининг келиб чиқиши ҳинд тилига тааллуқли бўлиши биров шубҳали. Сўзининг иккинчи бўғини бўлмиш "мот" сўзи ҳам ўзбек тилида "чорасиз ҳолат" деган маънони англатади. Археолог Юрий Буряков Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкентда шахмат ўйини кенг тарқалганини, бу Буюк Ипак йўли бўйлаб туялар карвони юрган йўналишларга тўғри келишини қайд этган".

Археолог шахмат ўйинининг мумтоз тарихи бўйича, шахматни буддизм роҳиблари эмас, қадимги Самарқанд шахрининг савдогарлари тарқатган, деб ҳисоблайди. Улар Шарқда ўз ваколатхоналарига асос солган бўлиб, бу худуд Сибирнинг жануби ва Хитойни, ғарбда Мисргача бўлган ерларни камраб олган. Юрий Буряковнинг фикрича,

бу ўйин Европага араблар орқали эмас, булғорлар томонидан етказилган. Уларнинг дастлабки ватани Волгабўйи бўлиб, тарихдан Самарқанд ва Бухоро бу ўлка билан юз йиллар давомида яқин иқтисодий алоқаларни ўрнатгани маълум. Қадимги булғорларнинг X асрга оид "Кормчията" китобида муаллиф шарқий тилларга оид "шахмат" — "шоҳга ўлим" иборасини қўллагани бунга яққол мисолдир. Демак, шахмат Волгабўйи орқали қадимий Русга етиб борган.

Манбаларга кўра, қадимда ҳинд ва араб шахмат ўйинида қора ва қизил рангли тошлар уйналган. Ушбу ўйин Ғарбга кўчган, уйинчилар оқ ва қизил рангли ҳайкалчалар билан ўйнай бошлади. XIII асрда дин таъсири остида ҳамда Аристотель назарияси бўйича бу ранглар оқ ва қорага ўзгаради. Шахмат майдони ҳақида сўз юритилганда эса, бошида қизил-қора ёки қизил-оқ рангли каттачалардан иборат шахмат тахтаси бўлган, деган тахмин ҳам мавжуд. Ҳатто бу ўйин учун махсус тахта ўйлаб топилмасдан аввал тошга бўр ёки ерга қўл ёрдамда вертикал ва горизонтал чиқиқлар қилиб ҳам шахмат ўйналгани ҳақида айтади.

Бундан ташқари, ўйинга бўлган ёндашувдан ҳам шахматнинг ватани Шарқ эканини англаш қийин эмас. Маълумки, мусулмон ва насронийлар жангда турли юришларни қўллаган. Ўрта аср насронийлари учун жанг кичик гуруҳлар ўртасидаги адоғи йўқ тортишувлар, тўхтовсиз ҳужумлар, тасодиқий босқинчиликларни ифодалаган. Улар учун ғалаба эмас, жанг жараёни муҳим саналган. Шу боис ҳам, шахмат ўйини, унинг якуний қисми — рақиб шохни "мот қилиши", унинг устидан ғалаба қозониши ва "ағдариши" уларни ажаблантирган. Мусулмон аъённаларига кўра эса, шохни асирга олиш шарт бўлган стратегияга асосланган якуний натижа аҳамиятли саналган. Шунингдек, улар реалликка мос қилиб, яъни шох, отлик, пийда қабилар тушунарили бўлиши учун шахмат ҳайкалчаларини ҳам ўйлаб топган. Бироқ пийдаларнинг тахта бўйлаб юриши чоғида малика бўла олиши

мумкинлиги мусулмонлардан фарқли улароқ насронийларда янги қийинчиликни юзга келтирган. Чунки, қирол бир неча хотинга эмас, маслаҳатчига эга бўлиши мумкин бўлган. Шу боис ҳам, улар бутун майдонни юриб ўтган пийдаларни "дамка" деб атаган ва фақат битта — қирол билан жуфт бўлган ҳайкалча, қиролчиқа бўлган. Шунингдек, одатда граф, байроқдор, епископ ёки масхарабога ҳам айлана оладиган филнинг ўрни ўзгариб борган.

Булларнинг барчаси шахмат Шарқда пайдо бўлгани ва энг аввало, Ўзбек халқи аждоқлари шахмат ривожига салмоқли ҳисса қўшганини англатади. Шу тариха шахмат ўйини Европада XVI асрга келибчоқ "замонавий қиёфа" касб этди.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг шахматга бўлган қизиқиши ва муҳаббатини туфайли 1996 йил март ойида Ўзбекистон миллий шахмат федерацияси ташкил этилди. Ушбу ташкилот Халқаро федерация, Осиё шахмат федерацияси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда 168 минг нафардан ортиқ юртошимиз федерация аъзоси ҳисобланади.

Ўзбек шахматчиси, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов Халқаро шахмат федерацияси йўналишида 2004 йилда жаҳон чемпиони бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 22 нафар халқаро гроссмейстер, жумладан, дунёнинг энг ёш халқаро гроссмейстери Нодирбек Абдусатторов, 4 нафар аёл гроссмейстер, Халқаро шахмат федерациясининг 24 нафар халқаро шахмат устаси мавжуд. Ўзбекистон халқаро гроссмейстерларнинг аҳоли жон ташаббуси бўлиши эгаллайди.

Яқинда "Нуроний" жамғармаси ва Пискент тумани ҳокимининг ёрдами билан "Муҳаррир" нашриёти томонидан "Барҳаёт сиймолар"

дея номланган китоб чоп этилди. Китобда умри ибратга тўла 60 нафар пискентлик ҳамюртларимиз ҳаётидан лавҳалар акс эттирилган. Улар орасида таниқли шифокор Тожихон ака Аъзамов ҳақида ҳам маълумотлар берилган эди.

Тожихон ака Аъзамовни кекса авлод вакиллари яхши танишди. У 1943 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини битириб, Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилди. 1946 йили урушдан қайтиб, Пискентдаги шифохонада ўз ишини давом эттирди. 1951 йили у Олмалик шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи вазифасига тайинланади.

Ўзбекистонда хизмат курсатган шифокор Тожихон Аъзамовлар оиласини том маънода шахматчилар оиласи дейишарди. Тожихон ака 1937 йили ўтказилган шахмат мусобақасида Ўзбекистон чемпиони бўлган.

Тожихон ака Аъзамовнинг хонадонида шахмат ўйнаш оила аъзоларининг энг севимли машғули бўлган. Оилада камол топган уч ўғил ҳам спортнинг бу турига болаликдан меҳр қўйишди. Ота ва фарзандлар ўртасида тез-тез беллашувлар ўтказиб турилар ва кўпинча кураш жуда кескин тус олар эди. Бунда айниқса, ўғилларнинг кенжатоғи Жўраҳон — Георгийнинг таланти ташаббуси билан "Муҳаррир" нашриёти томонидан "Барҳаёт сиймолар"

ёш Георгий эса кейинги бахсларда бундан-да яхшироқ натижалар кўрсатишга ҳаракат қилар эди. Бўладиган бола бошидан деганларидек, у 12 ёшида илк бор катталар ўртасида ўтказилган беллашувда иштирок этади. Олмалик шаҳар биринчилиги учун ташкил этилган мусобақанинг ўзидаёқ у 18 имкониятдан 16 очкога эга бўлиб, голибликни қўлга киритади. Бу ютуғи учун унга спорт мастерлигига номзод унвони берилди.

Георгий ўсмирлигидаёқ ажойиб ўйинлари, ҳеч қутилмаган юришлари билан ишқибозлар хурматига сазовор бўла бошлади. 19 ёшида у собиқ иттифок спорт мастери бўлади. 1980 йил Георгий Аъзамов ҳаётида бурилиш йили бўлди: ўша йилнинг кузид у собиқ иттифок чемпионатининг биринчи лигасида номи дунёга машҳур шахматчилар билан беллашди ва тўплаши мумкин бўлган очколарнинг 50 фоизини қўлга киритди. Бу жуда катта ютуқ эди. Кейинги йили эса Челябинскда ўтказилган Бутуниттифок саралаш турнирида голиб чиқиб, олий лигада ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритади. Мазкур баҳсда у олтинчи ўринни эгаллайди ва собиқ иттифок гроссмейстери талаби даражасини бажаради.

1982 йилдан унинг чет эл сафарлари бошланади. Югославияда ўтказилган Халқаро турнирда 13 имкониятдан 9,5 очко тўплаб, биринчи ўринни олди ва Халқаро гроссмейстер талабини бажарди. Унга халқаро мастер унвони берилди. Кейинги йили яна Югославияда ўтказилган иккита халқаро турнирда иштирок этди. Ушбу беллашувларда эришган юксак натижалари учун Халқаро шахмат федерациясининг 1984 йилда бў-

либ ўтган конгрессида унга Халқаро гроссмейстер унвони берилди. Шундай қилиб Георгий Аъзамов Марказий Осиё ва Қозғистондан етишиб чиққан биринчи Халқаро гроссмейстер бўлади.

Георгий Аъзамовнинг йигирма йил мобайнида турли мусобақаларда иштирок этиб, аъло натижаларга эришганини фахр билан тилга олиш мумкин. 1966 йили катталар ўртасида Олмалик шаҳар биринчилигини қўлга киритган бўлса, 1977 йили ўқувчилар ўртасида ташкил этилган собиқ иттифок биринчилигида иккинчи ўринни эгаллади. Кўплаб халқаро турнирларнинг голиби бўлди. Собиқ иттифок халқларининг VIII ёзги олимпиадасида биринчи тахтада ўйнаб, голиб бўлди.

Георгий Аъзамов ҳаёт бўлганида муборак 70 ёшдан ошган бўлар эди. Аммо афсуски, Севастополда ўтказилган турнир Георгий учун энг сўнги сафар бўлди. Машҳур тасодиф сабабли машҳур шахматчи 1986 йилнинг 27 август кuni — 32 ёшида ҳаётдан қўз юмди.

Георгий Аъзамов фақат юртимиздагина эмас, хориж мамлакатларида, жумладан, Югославия, Куба, Германия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва Колумбияда ҳам шахматни кенг тарғиб қилди, ўқув машғулотларини ташкил этишда амалий ёрдам берди. У чет эллардан ҳамisha катта таассуротлар билан қайтар, ишқибозларга ўз мулоҳазаларини айтиб берар, шахмат мусобақаларини намойиш қилиб берарди. Унинг Глигорич, Тайманов, Полуғаевский, Шесковский, Геллер, Псахис, Тукмаков, Чубурдинадзе каби шахмат даргалари устидан қозонган чиройли ғалабалари, жаҳон чемпиолилари Петросян, Спасский, Карпов, Каспаров кабилар билан дуран натижаларга эришгани шахмат ишқибозлари ёдидан ҳеч қачон кўтарилмас керак.

Спортчимиз шахмат оламининг етуқ намояндалари бўлмиш Тигран Петросян, Борис Спасский, Лев Полуғаевский, Марк Тайманов, Виктор Купрейчик, Михаил Тал ва бошқалар билан муносиб кураш олиб борган. Унга халқаро гроссмейстер унвони 1984 йилда Салоники шаҳрида ўтказилган ФИДЕ Конгрессида топширилган.

Буюк шахматчи вафот этгач, Пискент тумани "Майлобод" маҳалласидаги қабристонга дафн этилган. Ҳозирги кунда Пискентдаги кўчалардан бирига унинг номи берилган. Тошкент шаҳридаги республика марказий шахмат-шашка клуби, Олмалик кон-металлургия комбинати қошидаги шахмат-шашка клуби ҳамда Олмалик шаҳридаги марказий кўчалардан бири ҳозир ўзбек шахматчиларининг карвонбоҳисси, республикада хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими, ёрқин истеъдод эгаси Георгий Аъзамов номи билан аталади.

Айтишларича, ўша пайтларда Георгийга катта ваъдалар бериб, уни бошқа давлатлар номидан беллашувларда қатнашишга жуда кўп марта кўндирмоқчи бўлишган. Лекин у ҳар қандай муқофотдан ўз киндик қони тўқилган юрт тупроғини — Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилишни афзал қўрди.

Ҳа, Георгий Ўзбекистон деган мардлар мамлакатининг, ўзбек деган барикенг элнинг ҳақиқий ўғли эди. Зеро, шунинг учун ҳам она тупроқ шаънини ўз ҳаётидан ҳам устун қўйди...

Тўхтамурад ҲАСАНБОВЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ЭНГ ИССИҚ ИЮЛЬ ОЙИ ҚАЧОН КУЗАТИЛГАН?

▼ Иқлим

Айни кунларда юртимиз бўйлаб ёзнинг қайноқ ҳарорати ҳукмронлик қилмоқда. Кунни кеча "Ўзгидромет" Ўзбекистонда жанубдан аномал иссиқ ҳаво оқимлари кириб келаётгани, ҳаво ҳарорати +46 даражагача кўтарилиши ҳақида огоҳлантириш билан чиқди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса аҳолидан ушбу кунларда кўпроқ сув ичишни, газли, ёғли маҳсулотлардан имкон қадар воз кечишни, кўчага бош кийимсиз чиқмасликни сўраб, мурोजаат қилди. Жўш, жорий йилги июль ойида қутилаётган иссиқ ҳаво тўқиларини тарихдаги энг кучлисими?



Қуйида ана шу рекорд даражадаги иссиқ июль ҳақида аниқ маълумотларни кўриб чиқамиз.

1983 йилнинг июли — РЕКОРД ДАРАЖАДАГИ ИССИҚ ОЙ

Бу Ўзбекистон тарихидаги энг иссиқ июль сифатида қайд этилган. Кўпгина худудларда ҳарорат +45 даражадан ошган. Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида эса +47 даражагача кўтарилган. Иссиқлик

тўқини деҳқончиликка, айниқса, пахта ва бўғдойга жиддий таъсир қилган. Шунингдек, мазкур иссиқ ҳаво тўқинлари натижасида электр таъминотида узилишлар, сув таъминоти бўйича муаммолар ҳамда аҳоли орасида куёш нурларидан ҳолсизлик, офтоб уриши каби турли касаллик белгилари кузатилган.

2000 йил июли — БУТУН МИНТАҚАДАГИ ЭНГ ИССИҚ ОЙ

Ўша йили нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиё минтақасида иқлим ўта иссиқ кечган. Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ҳарорат +46 даражагача етган. Иссиқ билан боғлиқ соғлиқ муаммолари кўп қайд этилган, айниқса, юрак-қон томи касалликлари кўпайган.

СЎНГИ ЙИЛЛАРДАГИ ЭНГ ЖАЗИРАМА ИЮЛЬ
"Ўзгидромет" маълумотларига кў-

ра, 2021 йил июль ойи кўп йиллик меъёрдан 4–6 даража юқори бўлган. Тошкентда кундузги ҳарорат +43 градусга чиққан. Иссиқ ҳавода электр тармоқларида узилишлар кузатилган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ЭНГ ИССИҚ ИЮЛЬ ОЙИ

2021 йилнинг июль ойи нафақат иссиқлиги, балки ўз таъсир доираси, қишлоқ хўжалигига ва аҳоли ҳаётига

кўрсатган таъсири билан ҳам Тошкент вилояти тарихига кирди. "Ўзгидромет" кузатувларига кўра, ўша йилги июль ойида вилоятнинг деярли барча туманларида ҳарорат 42–44 даражагача иссиқ бўлган. Айрим жойларда маҳаллий термометрлар +45 даражадан ҳам кўрсатган.

Хусусан, Оҳангарон ва Бўка туманларида кундузги ҳарорат +44 даражагача етган. Паркент ва Бекобод туманларида эса +43 даража атрофидаги иссиқлик кузатилган.

Айниқса, Янгийўл ва Зангиота туманлари аҳолиси эса ҳароратни жуда оғир ўтказган худудлар сирасига кирган. Бу икки туман sanoat ва аҳоли зич жойлашган худудлар ҳисобланади, шу боис улардаги ҳарорат сезиларли даражада юқори бўлган. Жумладан, Янгийўл туманида ҳарорат энг юқори нуқтада +43,2 даражагача

кўтарилган. Ўртача кундузги ҳарорат 10 кун давомида +40 даражадан юқори бўлган. Тунги ҳарорат эса +28°C — +30°C оралиғида бўлган.

Зангиота туманида эса расмий термометрларда +42,7 даража иссиқлик қайд этилган. Ҳатто очиқ бетон ва асфальт майдонларда норасмий термометрларда +44 даражагача чиққан ҳолатлар ҳам кузатилган.

Ўша йили бу худуддаги шифохоналари ва тиббий пунктларга офтоб уриши, қон босимининг кўтарилиши, ҳолсизлик каби ҳолатлар билан боғлиқ мурोजаатлар сони анча ошган.

2021 йил июль ойидаги аномал иссиқ ҳаво оқими сабаб поллиз, сабзавот ва меваларнинг эрта пишиш ҳолатлари кузатилган.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Сухробжон САДИРОВ
тайёрлади

